

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2843,2 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 13943 кишига ёки 0,5 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	Ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	27347	25248	-2099	19,6	18,0
Ўлганлар	8349	8041	-308	6,0	5,7
Табиий ўсиш	18998	17207	-1791	13,6	12,3
Никоҳлар	7382	7681	299	5,3	5,5
Ажралишлар	1682	1760	78	1,2	1,3

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 25248 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (27347 киши) нисбатан 2099 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,0 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (19,6 промилле) нисбатан 0,9 фоизга камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Олмалик шаҳрида (20,0 дан 18,7 промиллега), Бекобод шаҳар (18,3 дан 16,2 промиллега), Чирчиқ шаҳар (14,7 дан 12,9 промиллега), Оҳангарон (20,7 дан 18,8 промиллега), Бўстонлик (18,3 дан 15,6 промиллега), Бўка (22,0 дан 18,5 промиллега), Қуйичирчиқ (20,7 дан 18,6 промиллега), Юқоричирчиқ (21,8 дан 18,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 8041 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8349 киши) нисбатан 308 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,7 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнида – 6,0 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Олмалик (8,5 дан 7,9 промиллега), Бекобод (7,0 дан 6,1 промиллега) шаҳрида, Оҳангарон (7,9 дан 5,7 промиллега), Зангиота (5,5 дан 4,8 промиллега), Қуйичирчиқ (6,3 дан 5,8 промиллега), Чиноз (5,8 дан 5,2) туманларида кузатилди.

¹⁾ дастлабки маълумот


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-июнида ФХДЁ органларида 7681 та никоҳлар ва 1760 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,5 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 5,3 та) ва 1,3 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июн ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 10209 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 13473 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 3264 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1813 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Зангиота (минус 937), Бўстонлик (минус 321), Бўка (минус 320) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнга нисбатан 100,4 фоизга кўпайиб, 1622,3 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,1 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-июнда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 10198 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш кидириб мурожаат этганлар Бекобод (603 кишига), Ангрен (835 кишига) шаҳарларида, Янгийўл (926 кишига), Зангиота (997 кишига), Ўртачирчиқ (615 кишига) ва Юқоричирчиқ (524 кишига), Паркент (659 кишига) ва Бўстонлик (657 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 9681 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Ангрен (676 киши) шаҳрида, Янгийўл (905 киши), Зангиота (977 киши), Ўртачирчиқ (575 киши), Қибрай (484 киши) ва Паркент (647 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 378 нафари ишсизлик мақомини олган.